

ГЛОБАЛЛАШГАН ДАВРДА ЁШ АВЛОДГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Примова Фотима Абдурахимовна

**ф.ф.н., доцент, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялари университети Тошкент филиали**

Аннотация: Ушбу мақолада глобаллашган даврда ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тутган ўрни, ахборот технологиялари, оммавий маданият ва глобал таъсирлар, ватанпарварлик, маънан баркамоллик, эзгу ғоялар масаласида тадқиқотлар ўтказилган.

Калит сўз: ёш авлод, таълим-тарбия, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ахборот технологиялари, оммавий маданият, глобал таъсирлар, ватанпарварлик, маънан баркамоллик, эзгу ғоялар.

THE ROLE OF VALUES IN EDUCATING THE YOUNGER GENERATION IN THE ERA OF GLOBALIZATION

Primova Fotima Abdurahimovna

*PhD, Associate Professor, Tashkent Branch of Samarkand State University
of Veterinary Medicine, Animal Husbandry and Biotechnology*

Abstract: This article examines the role of national and universal values in educating the younger generation in the era of globalization, information technologies, mass culture and global influences, patriotism, spiritual maturity, and noble ideas.

Keywords: young generation, education, national and universal values, information technologies, mass culture, global influences, patriotism, spiritual maturity, and noble ideas.

Кириш: Глобаллашган даврда ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тутган ўрни бекиёсдир. Бугунги кунда ахборот технологиялари, оммавий маданият ва глобал таъсирлар ёшлар онгига жуда кучли таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, уларни ватанпарвар, маънан баркамол, эзгу ғояларга содиқ шахслар қилиб тарбиялашда қадриятларнинг роли муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мантикий давоми сифатида муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш мақсадида яхлит ва узлуксиз тизим яратилиши, шубҳасиз, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаради. Президент эътироф этган ушбу яхлит тизим бола туғилганидан бошлаб, то 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қувватланишини назарда тутди.

Асосий эътибор ёш авлодга таълим тизимининг барча босқичларида сифатли ва замонавий таълим-тарбия беришга, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларни ўргатишга ҳамда уларни муносиб иш ўринлари ва уй-жой билан таъминлашга қаратилиши Президент томонидан таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугунимиз ва келажакимиз бўлган ёш авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлишларида, уларнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантикий фикрлайдиган, эзгу фазилатли ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайишларида кучли ижтимоий химоя, сифатли таълим, замонавий билим ва тажрибалар муҳим аҳамиятга эга.

“Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси икки баробарга ортди, халқ таълими тизимида Президент ва ижод мактаблари, математика, кимё ва биология фанлари

бўйича махсус мактаблар ташкил этилди, замонавий профессионал таълим тизими шакллантирилди ҳамда ёшларнинг олий таълим билан қамраб олиш даражаси 25 фоизга етди. Келгуси йилда эса мазкур йўналишларда ислохотларни изчил давом эттириш орқали ёшларни замонавий билимлар, илғор хорижий тажрибалар асосида ўқитиш ва шу орқали рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини шакллантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази ҳам Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да бошқа барча устувор йўналишлар қатори, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим сифатини ошириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилаш ва бошқа долзарб масалаларда изланишлар олиб бориб, тегишли идораларга таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишни ҳамда мутахассислар ва фаол ёшлар иштирокида турли халқаро анжуманлар ташкил этишни режалаштирмоқда.

Қадриятлар — бу жамият томонидан маъқулланган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган маънавий, маданий ва ахлоқий мезонлардир. Улар инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётида йўналтирувчи вазифасини ўтайди. Масалан:

- **Миллий қадриятлар:** тил, урф-одатлар, дин, анъаналар, миллий мерос, ватанпарварлик.
- **Умуминсоний қадриятлар:** адолат, инсоф, меҳр-оқибат, тинчлик, ҳамжиҳатлик.

Глобаллашув ва ёшлар:

Глобаллашув бир томондан имкониятлар эшигини очса, иккинчи томондан, миллий ўзлигини йўқотиш хавфини ҳам келтириб чиқаради. Жумладан:

- Ёшлар бошқа маданиятларнинг таъсири остида қолиши мумкин.
- Маънавий бўшлиқ пайдо бўлиши эҳтимоли ортиши мумкин.

- Интернет ва ОАВ орқали кириб келаётган турли мафкуравий таъсирлар.

Қадриятлар орқали тарбиянинг аҳамияти:

1. **Шахсийлик ва фахр туйғусини шакллантиради** – ўз халқининг маданияти, тарихи ва тилига ҳурмат ҳиссини уйғотади.
2. **Маънавий баркамолликни таъминлайди** – ахлоқий, рухий жиҳатдан соғлом шахс тарбияланади.
3. **Глобал таъсирларга нисбатан иммунитет ҳосил қилади** – ёшлар ўзига ҳосликни сақлайди, танловни онгли қилади.
4. **Ижтимоий барқарорликни таъминлайди** – жамиятда ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат асослари мустаҳкамланади.

Глобаллашган даврда таълим-тарбия жараёнида қадриятларга таяниш — бу келажак авлодни миллийликни йўқотмаган ҳолда дунёқараши кенг, ахлоқий баркамол шахс сифатида вояга етказишнинг энг самарали йўлидир. Мактаб, оила, жамият ва оммавий ахборот воситалари бу жараёнда ҳамжиҳатликда иш олиб бориши лозим.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, инсонлар, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига халқига, она юртига муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” деб таъкидлаганлар. Ҳар қандай

миллатнинг тараққиёти жамиятимиздаги ёшларнинг амалий фаолиятида ифода этилади. Ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этади. Бугунги ёшларимиз ғоявий жиҳатдан чиниққан ватанпарвар, замонавий билимларни эгаллаган ва ҳар қандай йўналишда ўз муносабатини билдира оладилар. Улар жамиятнинг шундай ижтимоий гуруҳига мансуб-ки, худди шу ёшлар кучли ҳиссий билиш қобилиятига эгадир. Бугунги кунда ёшлар орасида миллий ғурур, ор-номус ва маънавий-руҳий ҳолатлар устунлигида ҳақиқатни айтишдан чўчимаслик, мавжуд қийинчилик ва муаммоларни очик ойдин баён этиш имконияти мавжуд. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавий ҳаёт соҳасида вужудга келаётган муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларини долзарблаштирмоқда. Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаяпти. Ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи бошқа минтақа ва ҳудудлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Шу ўринда, бирор мамлакат бу воқеликдан четда туриб ижобий натижаларга эриша олмаслигини англаш қийин эмас. Жамиятда ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда, яъни эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда.

Ёшлар маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун нималарга таяниб иш олиб боришимиз керак?, деган саволга Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов “тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий

асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин” деб таъкидлаганлар. Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина ҳар қандай хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Отабобларимизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатимизда таълим соҳасида мактабгача таълимдан тортиб олий ўқув юр்தларининг сифатига эътибор қаратиб, таълим соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар ўқув юр்தларининг моддий-техник базасини яхшилашга зарур ўқув адабиётлар билан таъминлашга ва шу билан бирга жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий таълим муассасаларини қуришга шунингдек, ривожланган хорижий давлатларнинг олий ўқув юр்தлари филиалларининг очилиши каби бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси ёшларнинг маънавий камолотини оширишда ва уларнинг малакали кадрлар бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади. Маънавий соҳада маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва

онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаслик бу борадаги асосий вазифаларимиздан бири бўлди.

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги кунда, яъни жамият ҳаётининг модернизациялашиш шароитида жамиятда маънавий соҳада қуйидаги вазифаларни бажаришимиз лозим:

- ёшларимизни маънавий янгилашиш ва ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш, уларнинг куч ва салоҳиятини ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби эзгу мақсадларга хизмат қилдириш, маънавиятнинг куч-қудратидан эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланиш, ижтимоий муносабатларни инсонийлик ғоялари асосида ривожлантириш;

- турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоялар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш, кўппартиявийлик ва плюрализм тамойилларига амалда риоя қилган ҳолда миллий ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш;

- ота-боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш, дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг асоси, Аллоҳ доимо қалбимизда, юрагимизда эканлигининг юртдошларимиз онгига сингдириб бориш. Бунинг учун, аввало:

- оммавий ахборот воситаларида миллий маънавиятимиз акс этган турли хил сифатли ҳамда қизиқарли рақобатбардош кўрсатувлар, сериаллар, кино ва бадиий фильмлар намойишини омма эътиборига тақдим қилиш;

- рақобатбардош телеканалларни кўпайтириб, ҳақиқий рақобат майдонини вужудга келтириш;

- интернет тизимидан фойдаланган ҳолда миллий сайтлар кўпайтириш ҳамда ёшларбоп рукнларни очиш ва улар орқали миллий ғояларни сингдириб боришни таъминлаш;

- жамиятда маънавиятни такомиллаштириш имкониятлари ва истиқболлари мавзuida илмий лойиҳалар жорий этиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш зарурдир.

Маънавий мерос замонлар ўтиши билан ўз қадрини йўқотмайди, балки сифат жиҳатдан янги аҳамият касб этади. Маънавий мерос кишилар онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқодобини эзгулик сари етаклайди. Шу нуқтаи назардан ХХІ асрда давлатимизнинг равнақи, унинг кучи ҳамда салоҳияти кўп жиҳатдан халқ маънавиятининг юксаклиги ва поклигига, ёшларимизнинг интеллектуал саводхонлигига, улар онгида ва қалбида миллий ғоянинг шаклланганлигига боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. <https://strategy.uz/index.php?news=1190>
2. https://alpha.samdaq.edu.uz/files/files/Konferensiya%20maqolalari/27_05_2017/4.pdf
3. https://tsuull.uz/sites/default/files/tuplam_kiyosiy_adabiyot_konferenciya.pdf
4. <https://yomi.uz/wp-content/uploads/2020/10/.pdf>
5. <https://staff.tiame.uz/storage/users/422/articles/6LxNPSkqDRqxW0vKrnWPFolNZSIBBptmySXF8AQ.pdf>
6. <https://lib.bimm.uz/items/download/7056>